



# ТАНQIDIY NAZAR, TAHLILIY TAFAKKUR VA INNOVATSION G‘OYALAR



## ТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИ ЁРДАМИДА СОДИР ЭТИЛАЁТГАН ТЕРРОРЧИЛИК ҲАРАКАТЛАРИ ВА ҚАРШИ КУРАШИШ МАСАЛАЛАРИ

**Рахимов Мухаммадсодик Давронжон ўғли**

*Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси Олий ўқув юртидан кейинги таълим  
факультети таянч докторантура мустақил изланувчиси*

**АННОТАЦИЯ:** Мақолада АҚШ, Буюк-Британия, Испания, Истроил, Германия, Франция, Швеция каби айнан транспорт воситаларидан фойдаланиб содир этилаётган терактлар нисбатан оммалашган айrim хориж мамлакатларида, транспорт тероризмини олдини олишда кўрилаётган норматив-хуқуқий ва ташкилий йўналишдаги чора-тадбирлар синчковлик билан ўрганилган, ушбу таҳдидни олдини олишда ижобий натижа бераётган манзилли тадбирлар таҳлил қилинган.

**Калит сўзлар:** транспорт тероризми, Европол, стратегия, зўрлик ишлатадиган экстремизм, “RAND” корпорацияси, Contest, декоратив тўсиқлар, Кентаврлар.

**АННОТАЦИЯ:** В статье подробно изучены правовые и организационные меры, принимаемые для предотвращения транспортного терроризма в некоторых зарубежных странах, где относительно популярны террористические акты с использованием транспортных средств, таких как США, Великобритания, Испания, Израиль, Германия, Франция, Швеция. Анализируются адресные мероприятия, дающие положительные результаты в профилактике.

**Ключевые слова:** транспортный терроризм, Европол, стратегия, насильственный экстремизм, корпорация «RAND», конкурс, декоративные барьеры, Кентавры.

**ANNOTATION:** The article examines in detail the legal and organizational measures taken to prevent transport terrorism in some foreign countries where terrorist acts using vehicles are relatively popular, such as the USA, Great Britain, Spain, Israel, Germany, France, and Sweden. Targeted measures that give positive results in prevention are analyzed.

**Key words:** transport terrorism, Europol, strategy, violent extremism, RAND Corporation, competition, decorative barriers, Centaurs.

### **КИРИШ**

XXI асрнинг 21 йили ортда қолган бўлсада, бутун дунёда терроризмга қарши кураш масаласи долзарблигича қолмоқда. Сўнгти икки йилда содир этилган 13 000 дан ортиқ террорчилик ҳаракатлари оқибатида 20 000 нафардан ортиқ инсон вафот этган. Маълумки, терроризмнинг амалга оширилишида турли тактик усуллар мавжуд. Ўтган давр мобайнида илм-фан ва технологияларнинг ривожланиши ва глобаллашув





## TANQIDIY NAZAR, TAHLILY TAFAKKUR VA INNOVATION G'YALAR



жараёнлари кўплаб давлатларнинг барча соҳаларда ўсишига ижобий хисса қўшган бўлсада, ўз ўрнида бу жараён террорчилик гурухларини қуроллантиришдаги янги тактик жиҳатларни ҳам очиб берди.

### **МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР**

Хозирда террорчилар томонидан террористик ҳаракат содир этилишида қўлланилаётган тактик усуллар жуда оддий бўлиши билан бирга фавқулодда мураккаб ҳисобланмоқда. Жумладан, 2014 йилдан буён хозирга қадар террорчилик ҳаракатларини амалга оширишда транапорт воситаларидан фойдаланиш ҳолатлари жуда ҳам кўпайиб кетди. Бу усул камхаржлиги ва террорчилар учун қулайлиги билан турли террорчилик ташкилотари эътиборига тушган.

Статистик маълумотларга кўра 2015 йил бошидан 2017 йилнинг якунига қадар ҳарбий ҳаракатлар олиб борилаётган нобарқарор давлатлардан (Ирок, Афғонистон, Покистон, Сомали, Сурия, Нигерия) ташқари дунёда жами 77 маротаба (1417 нафар шахс ҳалок бўлган, 3326 нафари яраланган) терактлар амалга оширилган бўлиб, ушбу терактлардан 25 та (32%) ҳолат айнан транспорт воситалари ёрдамида содир этилган. Мазкур 25 та ҳолатда жами 189 (14,1%) нафар шахслар ҳалок бўлиб, 1131 (34%) нафари ярадор бўлган.

Бу усулдаги террорчилик ҳаракатларини олдини олиш учун дунё ҳамжамияти ва кўпалаб ривожланган давлатлар томонидан бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, Европа давлатлари ҳуқуқ-тартибот органлари ўртасида тезкор ҳамкорликда ўзаро маълумот алмашиш учун “Европол” ташкилоти доирасида терроризмга қарши курашишнинг Европа марказида умумевропа давлатлари маълумотлар тизими яратилган. Ушбу маълумотлар тизимда давлатлар, гумонланувчи, айбланувчи, уюшган жиноий гурухлар ва террорчилик ташкилотларига алоқадор шахслар бўйича ўзаро маълумотлар алмашади. Таъкидланшича, Европа маълумотлар тизимида 2016 йил ҳолатига 24 та давлатнинг 7800 нафар чет эллик жангари террорчилар ҳақида маълумотлар тўпланган<sup>5</sup>.

Шу қаторда Австрия, Бразилия, Арманистон, Греция, Миср, Эрон, Кипр, Куба, Қирғизистон, Ливия, Македония, Сурия, АҚШ, Польша, Швейцария, Швеция, Венгрия, Финляндия, Хорватия каби бир қатор давлатларда терроризмга қарши кураш бўйича махсус алоҳида қонун ҳужжати қабул қилинмаган. Ушбу давлатларда терроризмга қарши кураш масалалари жиноят қонуни доирасида амалга оширилади<sup>6</sup>.

Хозирги кунда айрим мамлакатларида замонавий босқичда транспорт воситалари ёрдамида содир этилаётган террорчилик ҳаракатларининг олдини олишга қаратилган кўйидаги чора-тадбирлар амал оширилмоқда. Хусусан:

<sup>5</sup> Между красными и зелеными Как Европе бороться с терроризмом <http://lenta.ru>

<sup>6</sup> Кофанов А.В. Нормативно-правовое обеспечение противодействия терроризму в странах мира: некоторые теоретические и практические аспекты // Криминологический журнал ОГУЭП. – 2008. – №1(3). – С. 34.





## TANQIDIY NAZAR, TAHLILIY TAFAKKUR VA INNOVATSION G‘OYALAR



**АҚШ.** Умуман олганда АҚШнинг терроризмга қарши стратегиясида, (2011) терроризмга қарши курашнинг мақсад ва вазифалари аниқ давлатлар ва минтақалар билан боғланган. АҚШнинг аксилтеррорчилик ҳаракатларининг асосий мақсади Ал-Қоида тармоғини, унинг бўлинмалари ва тарафдорларини йўқ қилишдан иборат.

Шунингдек АҚШ айнан транспорт билан боғлиқ амалга оширилиши мумкин бўлган террористик ҳаракатларга қарши қурашиш ўрганилганида қўйидагилар маълум бўлди. Жумладан, Нью-Йорк шаҳрида амалга оширилган хужумдан бир ҳафта ўтиб, штатнинг қонунчилик органи сенаторлари томонидан, террорчиларга автомобилларни ижарага олишларини мураккаблаштиришга қаратилган “транспорт воситалари орқали инсонлар ва обьектларни уриб юборишни олдини олувчи” қонун лойиҳасини таклиф қилдilar. Лойиҳага кўра, автомобилларни ижарага берувчи компания ходимлари, шубҳали ҳолатлар юзасидан ўз вақтида тезкорлик билан “қайноқ линиялар” орқали ахборот беришини таъминлаш ҳамда ходимларда, инсондаги қандай алоҳида белгилар террорчини оддий шахсдан ажратишида ёрдам бериши бўйича, тегишли тушунчаларни шакллантириш режалаштирилган<sup>7</sup>.

Қонун лойиҳаси ижара компанияларини, АҚШнинг транспорт хавфсизлигини таъминловчи раҳбарий тамойилларига асосланган ҳолда, ўзларини профилактика режаларини ишлаб чиқишига мажбур қиласида мамлакат хавфсизлигига таҳдид соловчи маълумотларни зудлик билан миллий хавфсизлик агентликларига тақдим қилинишини таъминлайди.

**Буюк-Британия.** Маълумки терроризм қарши қурашиш йўналишида Буюк Британия ҳам катта тажрибага эга ҳисобланади. Хусусан, ушбу давлат терроризм билан боғлиқ жиноятларга қарши қурашнинг криминологик тизими унинг хуқуқий асослари фақат маҳсус қонунлар нормаларида ўрнатилиши билан ажralиб туради. Мисол сифатида Буюк Британиянинг терроризмга қарши қураш соҳасидаги қонунчилигида “Contest” қисқартмаси билан маълум бўлган узоқ кедажакга мўлжалланган “олдини олиш”, “жиноий таъқиб этиш”, “ҳимоя” ва “тайёр бўлиш” каби терроризмга қарши тўртта йўналишни ўз ичига олувчи стратегия ишлаб чиқилган. Ушбу тўрт йўналиш, мақсадни ўз ичига олган терроризмга қарши самарали қурашиш услуби бутун Европа Иттифоқи бўйлаб кенг қўлланилади<sup>8</sup>.

Буюк Британияда ҳам транспорт воситалари орқали содир этилаётган терактларни олдини олишнинг асосий йўли сифатида тўсиқлар ўрнатилиши маъқулланади. Мутахассисларнинг фикрича тўсиқлар узоқдан кўриниб туриши керак. Хусусан тўсиқлар катта гул туваклари, бетон блоклар ёки “Арсенал” футбол ўйингоҳи ёнидаги каби катта безакли тўп кўринишида бўлиши мумкин дейилади.

<sup>7</sup> Брайан Майл Джэнкінс: Navigating the Latest Terrorism Trend // <https://www.rand.org/blog/2017/12/navigating-the-latest-terrorism-trend.html>/19.12.2017.

<sup>8</sup> EU Action Plan on combating terrorism / EU Counter-Terrorism Coordinator. – Brussels, 2011. – January. – [Электронный ресурс]. – Режим доступа : <http://register.consilium.europa.eu/pdf/en/10/st15/st15893-re01.en10.pdf>.





Лондон кўприкларида содир этилган террорчилик ҳаракатларидан сўнг, ушбу ҳолатларни олдини олиш учун, шаҳарнинг Ватерло, Вестминстер ва Ламбет каби учта кўприкларида ҳам автомобиль йўлини пиёдалар йўлаги билан ажратиб турувчи мустаҳкам темир тўсиқлар ўрнатилди.

Шунингдек, Буюк-Британияда транспорт воситаларини ижарага олишни тартибга солувчи янги қонун лойиҳаси тайёрланмоқда Барселонадаги ҳужумлардан кейин Британия транспорт департаменти доимий равишда полиция билан ҳамкорликда иш ташкил қилмоқда. Хусусан, автомобилни ижарага олиш учун келган шахс, автомобилни олишдан аввал, полициянинг терроризм билан боғлиқ рўйхатларидан текширилмоқда. Шу билан бирга, лизинг компаниялари ҳам эҳтимолий жиноий фаолиятга алоқадор ҳолатларни аниқлаш учун огоҳликни оширган<sup>9</sup>.

**Франция.** Франциянинг Ницца шаҳрида 2016 йилда июль ойида содир этилган терактлардан бир йил ўтиб, 16,5 миллион европга мўлжалланган терроризмга қарши курашиш лойиҳаси тасдиқланди. Ушбу лойиҳанинг асосий мақсадларидан бири бу туристларни транспорт воситаси ҳужумидан сақлаб қолиш. 2017 йил июнда очилган Ниццадаги “Англия қирғоғи” худуди, 20 тоннагача зарбага дош бера оловчи, таги ерга 2 метр чуқурлиқда ўрнатилган қучайтирилган тумбалар ҳамда пўлат трослар билан ҳимояланди.

Иккиталик пўлат трослар ва қучайтирилган устунлар, бир миля узоқликдан катта тезлиқда сонияларда келиб урилувчи юқ автомобилларидан ҳам ҳимоялай олади. Франция жанубидаги “Англия қирғоғи”ларига, хавфсизлик идоралари ҳодимлари томонидан ажратилган маблағлар эвазига “анти-таран” яъни автомобиллар ҳужумига қарши тизим ўрнатилди. Фақатгина рўйхатга киритилган автомобилларгина устунлар ортига ўта олиши мумкин. Руҳсат бериш жараёни ҳам фақатгина автомобиль давлат белгиларини, камера визуал текширувдан кейин амалга оширилади.

## ХУЛОСА

Хулоса тариқасида айтиш мумкин, бугунги кунда транспорт воситалари ёрдамида амалга оширилаётган ҳужумларнинг янада хавфли тус олаётганлиги, ушбу ҳолатларнинг олдини олиш ва қарши курашишда норматив ҳукуқий ҳамда ташкилий жиҳатдан барча чора тадбирларни кечикирилмасдан кўрилиши зарурлигини англатмоқда.

<sup>9</sup> Защита Европы от атак транспортных средств // <http://www.counterterrorbusiness.com/features/protecting-europe-vehicle-attacks>





**REFERESES:**

1. Между красными и зелеными Как Европе бороться с терроризмом <http://lenta.ru>.
2. Кофанов А.В. Нормативно-правовое обеспечение противодействия терроризму в странах мира: некоторые теоретические и практические аспекты // Криминологический журнал ОГУЭП. – 2008. – №1(3). – С. 34.
3. Гусев А.В. Зарубежный опыт борьбы с преступлениями в сфере Интернета // www.pavo.by – Национальный центр правовой информации Республики Беларусь.
4. Мельшина К.Ю. Международно-правовые средства борьбы с экстремизмом: Дисс. ... канд. юрид. наук. – М.: РУДН, 2018. – С.161.
5. Брайан Майкл Дженкинс: Navigating the Latest Terrorism Trend // <https://www.rand.org/blog/2017/12/navigating-the-latest-terrorism-trend.html/19.12.2017>.
6. Brian M.J. Vehicular Terrorism: Weighing the Benefits, and Worth, of Prevention. // Веб-сайт – RAND corporation<https://www.rand.org/blog/2017/09/vehicular-terrorism-weighing-the-benefits-and-worth.html>. 03.09.2017;
7. EU Action Plan on combating terrorism / EU Counter-Terrorism Coordinator. – Brussels, 2011. – January. – [Электронный ресурс]. – Режим доступа : <http://register.consilium.europa.eu/pdf/en/10/st15/st15893-re01.en10.pdf>.
8. Защита Европы от атак транспортных средств // <http://www.counterterrorbusiness.com/features/protecting-europe-vehicle-attacks>
9. Серебренникова А.В. Уголовное право Германии. – М.: Юрайт, 2017.
10. Минязева Т.Ф., Серебренникова А.В. Уголовная ответственность за террористическую деятельность в России и Германии // Евразийская адвокатура. – 2017. – 2(27). – С.62-68.
11. Lawrence K.Can technology stop terrorist vehicle ramming attacks?// веб-сайт - <https://readwrite.com/2017/09/01/can-technology-stop-terrorist-vehicle-ramming-attacks-tl1.09.01.2017>;
12. Если не остановить террористов — в европе начнется восстание «псевдограждан» и гражданская война. // <http://rusvesna.su/news/1503554091.26.08.2017>.
13. Брайан Майкл Дженкинс: Navigating the Latest Terrorism Trend // <https://www.rand.org/blog/2017/12/navigating-the-latest-terrorism-trend.html/19.12.2017>.